

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВА МУАТТАР БАХОДИРЖОНОВНА

**ЎҚУВЧИЛАРДА БАДИИЙ АСАРЛАР ВОСИТАСИДА МИЛЛИЙ
ХАРАКТЕР ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ
(6-8 синфлар мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Усмонова Муаттар Баходиржонова

Ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини
ривожлантиришнинг педагогик механизмлари (6-8 синфлар мисолида) 3

Усмонова Муаттар Баходиржонова

Педагогические механизмы совершенствования особенностей
национального характера учащихся средствами художественных
произведений (на примере 6-8 классов)..... 25

Usmonova Muattar Bahodirjonovna

Developing pedagogical mechanisms of students' national characteristics
through works of art (in the grades of 6-8) 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВА МУАТТАР БАХОДИРЖОНОВНА

**Ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий
характер хусусиятларини ривожлантиришнинг
педагогик механизмлари
(6-8 синфлар мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped1302 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асқарова Ўғилой Мамашокировна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Валижон Абдурахмонович,
педагогика фанлари доктори, профессор

Хўжамбердиева Шахноза Кўпайсиновна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори PhD,
доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «11» январь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1177 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81)

Диссертация автореферати 2022 йил 28 декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил 28 декабрдаги 13 - рақамли реестр баённомаси).



С.Т.Турғунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А.Асқарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби PhD, доцент

З.Э.Азимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тарихий фактларнинг далолат беришича, миллий характер туғма хусусият сифатида ёки халқ томонидан қўлга киритилган узоқ одат натижаси сифатида эътироф этилмоқда. Миллий характер инсон туғилгандан бошлаб, ўз она тилини ўзлаштириб, миллий муҳитда вояга етиб, миллий-маънавий қадриятлар қуршовида ўсиши асосида шаклланади ва ижтимоий ҳаётга мослашишини тақозо этади. Хусусан, миллий характернинг шаклланишига ёрдам берувчи бадиий адабиётларнинг ижтимоий-тарбиявий жиҳатлари катта амалий аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида бугунги кунда барча соҳалар қатори таълим самарадорлигини оширишда динамик кўрсаткичларга эришиш тенденцияси кузатилмоқда. Мазкур тенденция умуминсоний ва миллий қадриятлар негизида ҳар бир давлат ўқувчиларининг бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш концепциясига эгаллигини намоён қилади. Миллатлар ўртасида миллий характернинг асосини ташкил қилувчи аждодларнинг бой меросини ёшларнинг онгу-шуурига сингдириш, уларни юксак маънавий фазилатларга эга инсонлар қилиб тарбиялаш ва шу асосида шахсни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Барча мамлакатларда аждодларнинг маънавий меросига таяниб миллий характер хусусиятнинг шаклланиши, ривожланиши, миллий характерда ибратга муносабат амалий фаолият ва авлод тарбиясида унга таяниш муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур тадқиқотлар бўлажак мутахассисларни тайёрлаш таълим дастурлари мазмунини бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш нуқтаи назаридан ўқув жараёнларининг ташкилий педагогик босқичларини бадиий ижодий фаолликка йўналтиришга хизмат қилмоқда.

Республикамызда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш ибрат-намуна йўли билан шахс миллий характерини шакллантириш маънавий таъсир кучини ифодалайди. Бу борада Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш” (тўртинчи ташаббус)¹ Учинчи Ренессанс²нинг юзага келиши ҳамда мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан интеграцияга эришувини таъминлайди.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги (2017 йил 13 сентябрь) Қарори // lex.uz/docs/3338600; Президент: ёшларни тарбиялашдаги 5 та муҳим ташаббус: <http://www.uzdaily.uz/uz/post/5823>.

²Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда // <http://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/31892>.

28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сон “2022-2026 йилларда Халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда миллий характер, унинг моҳияти, ўзбек ва қорақалпоқ миллий характерининг эволюцияси, шахсда миллий характерни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик масалалари М.Қурононов, А.Бегматов, М.Отажонов, О.Мусурмонова, У.Йўлдошев, М.Тлеумуратов, Ш.Уринова ҳамда А.Абдуллаевлар томонидан тадқиқ этилган бўлса, М.Бекмуротов, В.Каримова, М.Х.Ғозиева, М.Ибадалова, Р.Келдиёров, Й.Солижонов, Э.Раҳимов, С.Хўжаев, М.Зокиров, Х.Нурматов, М.Иминова ва Ш.Абдуллаев, Т.Дўсановларнинг илмий тадқиқотларида ёшларда миллийлик хусусиятларини тарбиялашга антропологик ёндашувнинг моҳияти ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)да миллий характер шаклланишининг назарий масалалари бўйича И.Асадуллаев, Р.Абсаттаров, В.Блюмкин, Л.Вонсович, О.Дробницкий, П.Матвеевлар (педагогик қўллаб-қувватлаш концепцияси), О.Газман, М.Губанова, Н.Касицина, С.Чистяковалар (миллий кадриятлар тарихий, маданий ва фалсафий асослари), В.Мельник, С.Князевлар (одоб-ахлоқнинг концептуал асослари), Т.Садыков, Г.Сапиевлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Е.П.Верченко, М.Захариас Э.Марк, В.А.Луков, А.В.Павловская, Н.С.Розов, Ю.В.Смирнова, А.Н.Тесленко, А.Е.Фирсова, И.В.Гудинова, Н.И.Ковалевская, Л.И.Петрова, Н.Н.Сметанникова, Л.Н.Чернышева, В.П.Чудинова ишларида менталитетнинг типологик таҳлили, миллий характернинг ўзига хос хусусиятлари, миллий ҳамда байналмилал тарбия моҳияти, ёшларда миллий характер хусусиятларини тарбиялашга антропологик ёндашув моҳияти очиб берилган.

Хорижий давлатларда А.Bechtel, S.Davison, G.Marcio, N.Federico R.Neiburg, M.Giffert, W.Michael, F.Verheul, T.Jaap, A.Robert G.Gross, L.Lyons, A.Martyn ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий изланишларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш фазилатларига эгаллигини баҳолаш механизми масалалари тадқиқ қилинган.

Бирок, муаммонинг дастлабки таҳлил натижалари ўқувчиларда адабиёт таълими жараёнида бадиий асарларни ўрганиш орқали улардаги миллий характер хусусиятларини шакллантириш имкониятларидан фойдаланишга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги мазкур йўналиш бўйича тадқиқот ишини олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўқитувчилар тайёрлаш: таълим-тарбия муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатларини таснифлаш;

ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш;

ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини сақлаб қолиш, қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш жараёнлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида педагогик, психологик ва методик адабиётларни ўрганиш, назарий ва қиёсий таҳлил, ижтимоий сўров (анкета, суҳбат, интервью, ташхис), педагогик кузатиш, моделлаштириш, педагогик тажриба, эксперт баҳолаш, математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг ўзига хослиги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий характер хусусиятларига ўтказган таъсири бадиий асарлар таҳлили орқали тарихий даврлар кесимида асосланган;

ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари кузатилаётган объектлар, олинган маълумотлар, экспериментларни таққослаш йўли билан уларнинг тизимли равишда миллий характер хусусиятлари далилланган;

ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг мазмуни бадий асарлар воситасида жумбоқли топшириқларни беришга асосланган тезкор фикрлаш, тафаккур даражаларини аниқлашга ёрдам берувчи дидактик ўйинларни ташкил қилиш орқали миллий тафаккур маданияти такомиллаштирилган;

ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини сақлаб қолиш, қайта тиклашни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ҳамда эмпирик баҳолаш самарадорлиги аниқланган;

ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга ёрдам берувчи олий таълим муассасалари Педагогика-психология йўналиши талабалари учун “Халқ педагогикаси” номли ўқув қўлланма чоп этилган;

ўқувчиларнинг бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга доир синфдан ташқари дарсларни ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган;

маънавий-маърифий ишлар жараёнида самарали қўллаш имконини берувчи интерфаол методларнинг адаптив вариантлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги педагогик, психологик ёндашувлар, тарбиявий ишлар методологияси (устувор тамойиллари, ўқувчиларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик фаолият мазмуни)га тизимли, мажмуавий ва инновацион ёндашилганлиги; илмий изланиш олиб боришда педагогик, психологик, тарбиявий-методик йўналишдаги маҳаллий ҳамда хорижий тажриба, тадқиқотлар натижаларига таянилганлиги; тадқиқот мақсади, вазибаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи илмий-педагогик методлардан фойдаланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда сифат жиҳатдан таъминланганлиги; олинган натижаларнинг ишончли математик-статистик метод (Стюдент-Фишер методи) ёрдамида таҳлил қилинганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар, олий таълим муассасалари педагогика ва психология йўналишлари учун “Халқ педагогикаси” номли ўқув қўлланмаси тайёрланган ва тадқиқотчилар педагогик изланишларида ушбу маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш мазмуни, назарий-методологик, амалий-методик ва ташкилий-технологик асослари, бадий асарларнинг тарбиявий имкониятлари ва таъсирчанлигининг ёритилганлиги, бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш тузилмаси, босқичлари, омилларининг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга хизмат қилувчи методик таъминотнинг бойитилганлиги, инновацион характердаги ишланмаларнинг яратилганлиги, бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш модели ишлаб чиқилганлиги, бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга доир амалий-методик тавсияларнинг илгари сурилганлиги ҳамда эришилган натижалар ўқувчиларни ижтимоийлаштиришда самарали натижаларни қўлга киритишга хизмат қилиши, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган дидактик таъминотдан умумтаълим мактабларида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг ўзига хослиги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий характер хусусиятларига ўтказган таъсирини бадий асарлар таҳлили орқали тарихий даврлар кесимида илмий таҳлилга доир таклифлар “Халқ педагогикаси ўқувчиларни ижтимоий фаоллигини ошириш воситаси” номли электрон қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази 2021 йил 6 июльдаги 01/01-02/02-963 сонли маълумотномаси). Натижада, бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини самарадорлигини ошишига хизмат қилган.

ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари кузатилаётган объектлар, олинган маълумотлар, экспериментларни таққослаш йўли билан уларни тизимли равишда таҳлил қилиш асосида миллий характер хусусиятлари таснифланишига доир таклиф ва тавсиялардан мўлжалланган Давлат илмий техника дастурлари доирасидаги ПЗ20170930223 - рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” (2018-2020 йй) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази 2021 йил 6 июльдаги 01/01-02/02-963 сонли маълумотномаси). Натижада бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий-маънавий ахлоқий сифатлар ривожлантиришга эришилган;

миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг мазмуни бадий асарлар воситасида жумбоқли топшириқларни беришга асосланган тезкор фикрлаш, тафаккур даражаларини аниқлашга ёрдам берувчи дидактик ўйинларни ташкил қилиш орқали миллий тафаккур маданиятини такомиллаштиришга ҳамда ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини сақлаб қолиш, қайта тиклашни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларига оид мактаб ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари учун таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-

сонли бўйруғи билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг Педагогика ва психология йўналиши талабалари учун “Халқ педагогикаси” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим маркази 2021-йил 6 июльдаги 01/01-02/02-963 сонли маълумотномаси). Натижада, бадиий асарлар воситасида ўқувчиларнинг ижтимоий ўз-ўзини англаши, миллийлик ва миллий маданият тушунчаларини ривожлантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан, 8 та республика ва 2 та халқаро конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан педагогика фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шулардан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида тадқиқ учун танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, ўрганилганлик даражаси баҳоланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, танланган илмий-педагогик методлар, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида ёритилиб, ўзбек миллий характер хусусиятлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ўқувчиларда бадиий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати тўғрисида сўз юритилган.

Шахсда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш мураккаб, кўп босқичли, узок давом этувчи жараён бўлиб, унинг самарали кечиши ижтимоий тарбиянинг тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Миллий менталитетга хос характер хусусиятлари бевосита ижтимоий муҳитда, шахснинг субъектлар билан олиб борадиган фаол муносабати жараёнида шаклланади. Ҳар бир элат, миллат ва халққа тааллуқли бўлган миллий тарбия негизида ментал фазилатларни тарбиялашга оид ғоялар ётади. Миллий менталитетга хос хусусиятлар муайян элат, миллат, халқнинг маънавий ва моддий қадриятлари: оила, фарзандлар тарбияси, касбий фаолият,


фуқаролик, диний мансублик ҳамда ижтимоий муносабатларни ташкил этиш, шунингдек, инсоннинг табиат билан уйғунлиги, жамиятни англаши, ҳаётий интилишлари, орзу-умидлари борасидаги асрий ёндашув, қарашларда намоён бўлади. Шахснинг миллий менталитетига у яшаётган муҳитнинг географик жойлашуви, иқлими, яшаш шароити ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Синфдан, таълим муассасасидан ташқари шароитларда бадиий асарлар орқали ўқувчиларда миллий характер негизида маънавий-ахлоқий ва иродавий хусусиятларни ривожлантиришда қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, муомалалари, асарда ёритилаётган турмуш тарзи, шахслараро муносабатларнинг ўзбекона жиҳатларининг таҳлил қилиниши ўзига хос аҳамият касб этади.

Айниқса, бизга муқаддас саналган диний нуқтаи назардан олий қадрият – илоҳий калом, яъни, Қуръондир, шариат ҳукмлари ва Муҳаммад пайғамбарнинг суннатларидир. Даврлар ўтиши билан инсон ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида диний қадрият нуқтаи назаридан талқин этила бошлаган, илоҳиётда қадрият тушунчасига табарруклик, муқаддаслик тамғаси қўйила бошлаган. Бинобарин, ҳар бир мусулмон назарида қадрият тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва мавжудлиги илоҳий ҳикмат, мўъжизадан бошқа нарса эмасдир. Бу ўзбек миллий характерига чуқур сингганини бадиий асарлардаги, ҳаётдаги мисолларда кўриш мумкин.


Педагогик ғоялар тараққиёти тарихий ривожланишнинг муайян босқичларида жамиятда кечаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар, соҳада юзага келаётган муаммолар ҳамда уларни ечиш зарурияти, шахсни тарбиялашга нисбатан жамият томонидан қўйилаётган талабларга мувофиқ ғоявий жиҳатдан такомиллашган янги ёндашувларни қарор топтиришни тақозо қилади.

“Ёндашув” тушунчаси ёрдамида шахснинг кимгадир, кимнингдир хатти-ҳаракатига, фикрига ёки нимагадир муносабати ёритилади. Педагогикада “ёндашув” тушунчаси негизида аниқ мақсадга қаратилган педагогик фаолиятнинг натижаланганлигини таъминлашга қаратилган ўқитувчи ёки ўқувчи фаолияти тушунилади. Шундан келиб чиққан ҳолда миллий тарбия компоненти саналган бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришда аҳамиятли бўлган ёндашувларни қуйидагича белгилаш мумкин (1-расм):



1-расм. Бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришда аҳамиятли бўлган ёндашувлар


Бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш жараёнининг муваффақиятли бўлишида педагогик фаолият самарадорлигини белгиловчи тарбия тамойилларининг танланиши ҳам аҳамиятлидир. Шунга кўра бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга йўналтирилган тарбия жараёнининг моҳияти, характерли хусусиятларини инобатга олган ҳолда мақсадли педагогик фаолиятда устувор бўлган тамойиллар қуйидагича белгиланди (2-расм):



2-расм. Бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришинг устувор тамойиллари

Бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятни узлуксиз, тизимли, изчил ва мақсадга мувофиқ ташкил этиш қуйидаги натижаларни қўлга киритиш имконини беради: миллий характер ва унга унга хос бўлган хусусиятлар тўғрисидаги назарий билимлари бойийди, мустақамланади; ўқувчилар томонидан миллий характер хусусиятларга эга бўлишнинг ижтимоий аҳамияти тўғри баҳоланади; мавжуд назарий билимларига таянган ҳолда ўқувчилар ўзларининг миллий характер хусусиятларига эгалиklarини таҳлил қила олади; шахсий таҳлил натижасига кўра ва ўз-ўзини тарбиялаш асосида аниқланган ижобий миллий характер хусусиятларини бойитиш, шунингдек, салбий характер хусусиятларини йўқотиш зарур эканлигини англайди; тарбия, ижтимоий тажриба, ҳаётий фаолият ҳамда ўз-ўзини тарбиялаш орқали ўқувчилар ижобий миллий характер хусусиятларини бойитиш, шунингдек, салбий характер хусусиятларини йўқотиш кўникмаларини ўзлаштиради.

Тадқиқот муаммосини назарий ўрганиш, таълим муассасалари фаолияти билан танишиш, таълим субъектлари ҳаётини кузатиш ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар имкониятларини таҳлил қилиш асосида бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш жараёнининг қуйидаги модели ишлаб чиқилди (3-расм):



3-расм. Бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш жараёнининг модели

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришнинг педагогик жihatлари” деб номланган бўлиб, унда ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш омиллари, ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш йўллари, воситалари, шунингдек, самарали шакл ва методлари тўғрисида сўз юритилади.

Педагогик ва психологик, фалсафий манбаларда шахснинг ривожланиши ҳамда ижтимоийлашувида турли омилларнинг таъсири сезиларли бўлиши таъкидланади. Шунга кўра тадқиқотни олиб бориш даврида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга самарали таъсир қиладиган омилларнинг аниқланишига алоҳида эътибор қаратилди. Назарий ўрганишлар натижасида шахсда миллий характерга хос хислатларни ривожлантиришда қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланди: оиладаги муҳит (оила аъзоларининг миллий маданият ҳамда қадриятларга таянган ҳолда ҳаёт кечиришлари, турмуш тарзида миллий-ахлоқий қарашларининг устуворлиги, шахслараро муносабатларда ўзбекона одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши); бола мансуб бўлган микромуҳитда у томонидан миллий характер хусусиятларининг ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитнинг мавжудлиги; таълим муассасаларида шахслараро мулоқотнинг миллий-ахлоқий қарашлар ва ўзбекона одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ ташкил этилиши; маҳаллаларда уюштирилаётган байрамлар, урф-одатлар ва маросимларда миллий ахлоқ талабларига риоя этилиши; меҳнат жамоалари ҳамда норасмий гуруҳларда ташкил этиладиган ижтимоий алоқаларда миллий-маданий ғоялар ҳамда миллий-ахлоқий меъёрлар талабларига амал қилиниши; жамиятда миллий тарих, маданият ва қадриятларнинг ўрганилишига эътибор қаратилганлиги; оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий ташкилотлар томонидан аҳоли, шу жумладан, ўқувчилар ўртасида миллий тарих, маданият ҳамда қадриятларнинг кенг тарғиб этилиши.

Бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш жараёнида улар эътиборларини муайян вазият юзасидан қарор қабул қилишда фақат ҳис-туйғу ва кайфиятгагина таяниш айрим ҳолларда салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариш мумкинлигига ҳам қаратиш лозим. Жумладан, Широқ ва Тўмарис душманга нисбатан нафратлари негизида эмас, аксинча, ҳаётий тажрибалари, ўзлари яшаётган ҳудуд хусусиятлари (чўлнинг бепоёнлиги, унда йўл топишнинг мушкуллиги), шунингдек, ўзларининг ҳамда душман қўшинларининг кучи, имкониятларини чамалаб кўриш асосида қарор қабул қилганликларини алоҳида уқтириб ўтиш педагогик жihatдан самарали саналади. Шунингдек, бу ўринда айрим бадий асарлар ва уларнинг қаҳрамонлари мисолида ҳиссий кечинмалар, рухий изтироблар таъсирида қарор қабул қилмаслик инсон ҳаёти ва соғлигини муҳофазалашнинг энг самарали йўли эканлигини тушунтириш талаб қилинади.

Бадий асарлар орқали ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирларнинг

кўйидаги шаклларда ташкил этилиши кутилган натижаларни кўлга киритиш имконини беради:

1. “Ўзбек миллий характери ва унга хос хусусиятлар” номли суҳбат (6-синф).

2. Кичик илмий-тадқиқот (6-7 синф).

3. “Бадий асарларда миллий характер хусусиятларининг ёритилиши” китобхонлар конференцияси (7-8 синф).

4. “Миллий характер хусусиятларининг ёрқин намунаси” иншолар танлови (6-7-8 синф).

5. “Ўзбек адабиёти ва миллий характер тимсоли” номли кўргазмали намойиш (7-8-синф).

Тадқиқот доирасида амалга оширилган ҳаракатлардан бири – ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирларнинг технологик лойиҳалар ёрдамида ташкил этилиши бўлди.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш механизми ишлаб чиқилди (1-жадавалга қаранг):

1-жадвал

Ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш механизми

| | |
|---|-----------------------------------|
| Миллий характер хусусиятларини бадий асарлар орқали ривожлантириш мақсади ва натижаси: | |
| Ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш тамойиллари | |
| Бадий ифодавийлик тамойили | Ижтимоий эмансипация тамойили |
| Ғоявийлик тамойили | Маънавий-ахлоқий габитус тамойили |
| Миллий қадриятлар устуворлиги тамойили | Ижтимоий фаоллик тамойили |
| Маънавий-ахлоқий ижтимоийлашув тамойили | Ижтимоий масъуллик тамойили |
| Ижтимоий идентификация тамойили | |
| Ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш педагогик шарт-шароитлари | |
| <p>- Умумий ўрта таълим мактаблари учун мўлжалланган “Адабиёт” дарслиги ва ўқув кўлланимларнинг мундарижаси, унга киритилган асарлар мазмуни билан танишиш асосида бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш борасидаги имкониятларни ўрганиш.</p> <p>- Адабиёт ўқитувчилари ва респондент ўқувчилари иштирокида суҳбат ҳамда анкета сўровларини ташкил этиш орқали уларнинг бадий асарлар воситасида шахсда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш борасидаги фикрлари билан танишиш, респондент ўқувчиларнинг миллий характер хусусиятларига эгалликларини ўрганиш ҳамда унинг даражасини дастлабки баҳолаш.</p> <p>- Бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш йўлидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.</p> <p>- Адабий таълим имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришда самарали бўлган хизмат қиладиган бадий асарлар рўйхатини тузиш ва улар асосида махсус методика ишлаб чиқиш.</p> <p>- Бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга хизмат қилувчи махсус методикани умумий ўрта таълим мактаблари</p> | |

| | | |
|---|--|---|
| <p>амалиётида синовдан ўтказиш. -Бадий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга оид тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилиш асосида махсус методика самарадорлигини баҳолаш.</p> | | |
| <p>Ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш мазмуни</p> | | |
| <p>Педагогик-психологик йўналиш (дарсликдаги мавжуд бадий асарларни ўрганиш орқали асар мазмунини англаш, қахрамонлар кечинмаларини ҳис этиш, шахсий ва эмоционал ҳисларини намоён қила олиш.</p> | <p>Миллий маънавий йўналиш (дарсдан ташқари машғулотлар, тадбирлар, экскурсия, миллий урф-одатлар, бадий кечалар ташкил этиш орқали маънавий сифатларини ривожлантириш).</p> | <p>Театр-санъат йўналиши (миллий қахрамонлар, санъат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар ташкил этиш; ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб кувватлаш мақсадида ташкил этилувчи “Ўқувчилар театр студияси” ташкил этиш.</p> |
| <p>Ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш технологияси</p> | | |
| <p>Маданий-коммуникатив ўзаро биргаликдаги фаолият технологияси; гермонефтик технологияси</p> | <p>Жамоани шакллантириш технологияси; воқеий-тавсифий матнларни таҳлил қилиш технологияси</p> | |
| <p>Ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш компонентлари ва кўрсаткичлари</p> | | |
| <p>Компонентлари:</p> | <p>Кўрсаткичлари:</p> | |
| <p>Ижтимоий муносабатларга киришиш кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга йўналтирилган когнитив компонент.</p> | <p>Миллий характер хусусиятига йўналганлик; қийинчиликларни мустақил енгиб ўтиш ва индивидуал муаммоларни ҳал этиш кўникмаси.</p> | |
| <p>Муваффақиятга интилиш, ўз-ўзига ишонч, вазиятни таҳлил этиш ва мақбул қарорлар қабул қилишга йўналтирилган фаолиятга доир компонент.</p> | <p>Миллий қахрамонларимиздан ибрат олиш кўникмаси; меҳнат ва ижодий фаолиятга масъулиятли муносабат.</p> | |
| <p>Ўзаро коммуникатив кўникмаларни шакллантиришга ва эмоционал-кадриятга йўналтирилган компонент.</p> | <p>Миллий характернинг шаклланганлиги – чидамлилик, сабр-матонат, катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, болажонлик кўникмалари; бўш вақтдан самарали фойдалана олиши.</p> | |
| <p>Ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантириш мазмуни такомиллашади.</p> | | |

Диссертациянинг учинчи боби “Ўқувчиларда бадий асарлар воситасида миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга оид тажриба-синов ишлари ва самарадорлик кўрсаткичлари” деб номланган бўлиб, унда тажриба-синов ишларининг ташкилий-техник моҳияти ҳамда тажриба-синов ишлари натижаларининг якуний таҳлили баён этилган.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичи – асословчи тажриба даврида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш масаласига қай даражада эътибор қаратилаётганлиги ўрганилди. Бу борадаги ўрганиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилди: 1) умумий ўрта таълим муассасалари учун “Адабиёт” дарслиги юзасидан тузилган дастур, мазкур

фан бўйича яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мазмунини таҳлил қилиш; 2) учрашув, суҳбат ва давра суҳбатларини ташкил этиш орқали адабиёт фани ўқитувчиларининг бадиий асарлар воситасида ўқувчиларларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш тажрибаларига эғаликларини баҳолаш; 3) педагогик кузатиш, суҳбат ва тестлар ёрдамида ўқувчиларининг миллий характер хусусиятларига эғаликлари даражасини аниқлаш (6-7-8 синф).

Кузатишлар жараёнида қуйидаги ҳолатлар мавжудлиги аниқланди:

1) ўқувчиларнинг атрофдагилар билан муносабатида миллий характер хусусиятлари акс этса-да, бироқ уларнинг муомаласи, кийиниши, хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворида бу ҳолат кўзга ташланмайди;

2) “Оммавий маданият”нинг ўқувчилар ўртасида кенг ёйилиши, турли йўналишлардаги шоулар, бадиий савияси паст бўлган кинофильмлар, клипларнинг ишланиши, ғоясиз, мантиқсиз қўшиқларнинг кўпайиши, хорижий сериалларнинг оммалашуви, Интернет саҳифаларида ғайрихлоқий клипларнинг эълон қилинаётганлиги, турли газета ва журналларда зўрма-зўраки шов-шувларнинг авж олиши;

3) умумий ўрта таълим мактаблари учун мўлжалланган “Адабиёт” дарслиги мундарижаси мазмунида айнан миллий характер хусусиятларига эга қаҳрамонлар образлари ёритилган, гарчи классик ва замонавий ўзбек адабиёти миллий характер хусусиятларини ёритган асарларга эга бўлса-да, дарсликда уларнинг имкониятларидан фойдаланишга эътибор қаратилмаган;

4) классик ва замонавий ўзбек адабиётида миллий турмуш тарзи ва миллий характер хусусиятларини ёритган бадиий асарлар муайян даражада мавжуд, бироқ, айти вақтда уларнинг сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир; бадиий қаҳрамонлар образида ижобий, шу билан бирга салбий миллий характер хусусиятлари талқин этилган ўсмир ўқувчилар ёшига мос асарларни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим;

б) кўпчилик адабиёт фани ўқитувчилари адабий таълим асосларини яхши билсалар-да, бироқ, бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш масаласига эътибор қаратишмаган, камдан кам ҳолатларда бадиий қаҳрамонлар образида ифодаланган миллий характер хусусиятларига ўқувчиларнинг эътиборларини жалб қиладилар, ўқувчиларга миллий турмуш тарзи ва миллий характер хусусиятлари ёритилган бадиий асарларни тавсия этиш тажрибасига эга эмаслар.

Назарий таҳлил ҳамда ўқувчиларининг фаолиятини кузатиш натижасида, шунингдек, замонавий тараққиёт талабларига мувофиқ ўзбек миллатининг типик вакиллари бўлган ёшлар характерида яққол кўзга ташланмаётган ёки етарли даражада ривожланмаган хусусиятлар ҳам аниқланди. Улар қуйидагилардир: бағрикенглик, меҳр-оқибатлилиқ; миллий қадриятларга ҳурмат ва анъаналарга садоқатлилиқ; жамоа ҳамда жамият манфаатларини ўз манфаатидан устун қўйиш; мардлик, шижоатлилиқ; орият, ғурурлилиқ; ҳаё, ибод ва андишалиқ; катталар ҳурмат кўрсатиш; тўғрисиўзлилиқ, ҳалоллиқ; виждонлилиқ, адолатпарварлик; меҳнатсеварлик, масъулиятлиқ.

Тажриба-синов ишларининг асосий босқичида ўқувчилар шахсида етарли даражада кўзга ташланмаётган мазкур характер хусусиятларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди. Дастлабки тажриба-синов ишлари натижаларига кўра умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш борасидаги камчиликларни бартараф этишга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Умумтаълим мактабларида илмий тадқиқотни олиб боришда муаммонинг амалий жиҳатларини ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу талабни инобатга олган ҳолда адабий таълим жараёнида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини шакллантиришга қаратилган тажриба-синов ишларининг умумий моҳияти ва механизмини ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги ҳаракат қуйидаги тартибда амалга оширилди:

1. Тажриба-синов ишларининг умумий моҳиятини ўзида акс эттирувчи махсус дастур ишлаб чиқиш.

2. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини шакллантиришга оид дастурни умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятига самарали татбиқ этишнинг мақбул механизмини яратиш.

3. Тажриба майдонлари бўлган умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятида синовдан ўтказилган адабий таълим жараёнида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини шакллантиришга оид дастурнинг самарадорлигини ўрганиш мезонларини ишлаб чиқиш ва олинган амалий натижаларга мувофиқ дастур самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқот даврида умумий ўрта таълим мактабларининг амалиётида қўллаш учун тайёрланган ишланмалар ва лойиҳалар асосида маънавий-маърифий тадбирларнинг самарали кечиши маълум **мезонлар** асосида таҳлил қилиб борилди. Яъни:

1) тадбирларда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги ва ҳар қандай кўринишдаги мажбурийликдан воз кечилганлиги;

2) тадбирларнинг ташкил этилишида ўқувчиларнинг хоҳиш-истак, қизиқиш ҳамда эҳтиёжларининг инобатга олинганлиги;

3) тадбирларда ўқувчиларнинг эркин, мустақил ҳаракатланишлари учун шароитнинг яратилганлиги;

4) тадбирларнинг қизиқарли ва кўтаринки руҳда ташкил этилганлиги;

5) ўқувчиларнинг тадбир тўғрисидаги таассуротларининг юқорилиги ва тадбирдан қониқиш ҳосил қилганликлари.

Тадқиқот даврида умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларида ўзбек халқига хос миллий характер хусусиятларини ривожлантиришга оид махсус методика, жумладан, тажриба-синов ишлари дастурига жиддий ўзгартиришлар киритилди. Бевосита синовдан ўтказилган махсус методиканинг таркибий тузилмаси қуйидагича бўлди:

1. Синфдан ташқари шароитларда ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини шакллантиришга доир маънавий-маърифий тадбирлар режаси.

2. Миллий характер моҳияти ва унинг негизида акс этувчи хусусиятлар, ижобий ва салбий мазмунга эга сифатлар тўғрисидаги назарий маълумотлар.

3. Ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини шакллантиришга оид амалий машқлар, тренинглар ва автотренинглар.

4. Ўқувчиларнинг миллий характер хусусиятларга эгалликлари даражасини баҳолашга хизмат қилувчи таххис материаллар.

5. Таххриба-синов ишлари жараёнида фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Маълумки, умумтаълим мактабларида олиб борилган тадқиқотларнинг самарадорлиги шахс эга бўлган билимлар даражасининг ошганлиги (бойиганлиги), маънавий-ахлоқий сифатларнинг шаклланганлиги (ривожланганлиги) билан белгиланади. Ана шу анъанага мувофиқ амалий таххриба натижалари асосида синов ишларига жалб этилган респондентларда миллий характер хусусиятларининг ривожланганлик даражаси баҳоланди. Бу жараёнида ўқувчиларнинг миллий характер хусусиятларига эгалликларини баҳолаш мақсадида қуйидаги мезонлар ишлаб чиқилди:

1. Ўқувчиларнинг миллий характер хусусиятлари ёритилган бадиий асарлар ва уларнинг мазмунидан хабардорликлари.

2. Бадиий қахрамонлар образлари мисолида ижобий ва салбий миллий характер хусусиятларига эгалликнинг ижтимоий аҳамиятини тўла англай олишлари.

3. Ўқувчиларнинг ўзларида ижобий миллий хислатларни ривожлантиришга интилишлари.

4. Улар томонидан ўзларида ижобий миллий хислатларни ривожлантириш йўлида амалий ҳаракатларнинг таххкил этилиши.

Мазкур мезонлар асосида ўқувчиларнинг миллий характер хусусиятларга эгалликлари қуйидаги уч **даража** бўйича баҳоланди:

1. **Юқори даража** – миллий характер хусусиятлари ёритилган бадиий асарлар ва уларнинг мазмунидан хабардор, бадиий қахрамонлар образлари мисолида ижобий ва салбий миллий характер хусусиятларига эгалликнинг ижтимоий аҳамиятини тўла англайди, ўзида ижобий миллий хислатларни ривожлантиришга интилади ва бу йўлда амалий ҳаракатлар олиб боради.

2. **Ўрта даража** – миллий характер хусусиятлари ёритилган бадиий асарлар ва уларнинг мазмунидан қисман хабардор, бадиий қахрамонлар образлари мисолида ижобий ва салбий миллий характер хусусиятларига эгалликнинг ижтимоий аҳамиятини англашга интилади, ўзида ижобий миллий хислатларни ривожлантириши мақсадга мувофиқ эканлигини тушунади ва бу йўлда муайян амалий ҳаракатлар олиб боради.

3. **Қуйи даражада** – миллий характер хусусиятлари ёритилган бадиий асарлар ва уларнинг мазмунидан оз даражада бўлса-да хабардор, бироқ, бадиий қахрамонлар образлари мисолида ижобий ва салбий миллий характер фазилатларига эгалликнинг ижтимоий аҳамиятини англашга деярли интилмайди, ўзида ижобий миллий хислатларни ривожлантиришга у қадар эътибор қаратмайди ва бу йўлда суст амалий ҳаракатлар олиб боради.

